

<b>1</b>	<b>ЭМИТЕНТНИНГ НОМИ</b>	
	Тўлик	«ASIA ALLIANCE BANK» акциядорлик тижорат банки
	Қисқартирилган	«ASIA ALLIANCE BANK» АТБ
	Биржа тикерининг номи	ААВК
<b>2</b>	<b>АЛОҚА МАЪЛУМОТЛАРИ</b>	
	Жойлашган ери:	100047, Тошкент ш., Махтумқули кўч., 2а
	Почта манзили:	100047, Тошкент ш., Махтумқули кўч., 2а
	Электрон почта манзили:	info@aab.uz
	Расмий веб-сайти:	aab.uz
<b>3</b>	<b>ТАШКИЛОТНИНГ ҚЎШИМЧА МАЪЛУМОТИ</b>	
	Қимматли қоғозларнинг чиқарилишини рўйхатдан ўтказувчи ваколатли давлат органи	Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги
	Рўйхатдан ўтказиш рақами	P0901
	Қимматли қоғозларнинг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган сана	28.06.2019
	Фаолият асосий йўналишлари ва ишлаб чиқариладиган маҳсулот (хизмат) турлари	Банк куйидаги банк операцияларини амалга ошириши мумкин: жисмоний ва юридик шахсларнинг банк ҳисобварақларини, шу жумладан банкларнинг вакиллик ҳисобварақларини очиш ҳамда юритиш, ҳисобварақлар бўйича ҳисоб-китобни амалга ошириш; пул маблағларини омонатларга (депозитларга) жалб этиш; Банк мижозларига – корхона, ташкилот ва муассасаларга кредитларни уларнинг қайтарилиши, фоизлилиги ва муддатлилиги шарти билан ўз номидан ўзининг маблағлари ҳамда жалб этилган маблағлар ҳисобидан бериш; Маблағлар эгаси ёки тақсимловчиси билан тузилган шартномага биноан пул маблағларни бошқариш; Молиявий лизинг ташкил этиш ва амалга ошириш; қимматли қоғозларни чиқариш, харид қилиш, сотиш, уларнинг ҳисобини юритиш ва уларни сақлаш, мижоз билан тузилган шартномага биноан қимматли қоғозларни бошқариш, ҳамда улар билан Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонун ҳужатларида тақиқланмаган бошқа операцияларни бажариш; пул маблағларни, вексель, тўлов ва ҳисоб-китоб ҳужжатларни инкассацияси;

		<p>хужжатларни ёки қимматликларни сақлаш учун махсус биноларни ёки уларнинг ичидаги сейфларни жисмоний ва юридик шахсларга ижарага бериш;</p> <p>учинчи шахслардан мажбуриятларнинг бажарилишини талаб қилиш ҳуқуқини олиш;</p> <p>банк операциялар билан боғлиқ ахборот-маслаҳат хизматлари кўрсатиш;</p> <p>учинчи шахслар номидан уларнинг мажбуриятлари бажарилишини назарда тутувчи кафолатлар бериш;</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан берилган банк операцияларни амалга ошириш лицензиясида махсус белгиланган, халқаро банк тажрибасига мувофиқ бошқа операцияларни амалга ошириш.</p>
	<p>Эмитентда мустақил рейтинг баҳоси мавжудлиги тўғрисида қисқача маълумот</p>	<p>Банк “Ahbor-Reyting” маҳаллий рейтинг агентлигининг кредит рейтингига эга. Биринчи рейтинг “uzB+” “Барқарор” истиқбол билан 2010 йил августида берилган. 2011 йил август ойида рейтинг қайта кўриб чиқилди ва “Барқарор” истиқбол билан “uzB++” даражасигача кўтарилган. 2012 йил июль ойида рейтинг агентлиги рейтингни “Барқарор” истиқбол билан “uzA” даражасигача кўтарган. 2014 йил октябрь ойида Банк фаолиятининг 2014 йил 9 ой якуни бўйича мониторинг натижаларига асосан рейтинг агентлиги рейтингни “Барқарор” истиқбол билан “uzA+” даражасигача кўтарган. “uzA+” рейтингни банк кредит ажратиш даражаси жуда юқорилиги ва унинг фаолиятида кредит хатарлар даражаси жуда пастлигини билдиради. “uzA+” рейтингга эга бўлган банк ўзининг кредиторлар, дебиторлар ва инвесторлар олдидаги молиявий мажбуриятларни ўз муддатида ва тўлиқ бажариши учун жуда юқори истиқболлиги билан тавсифланади. 2019 йил февраль ойида “Ahbor-Reyting” рейтинг агентлиги томонидан миллий шкалада “Барқарор” истиқбол билан “uzA+” банк индивидуал кредит рейтингига тасдиқланган. 2011 йил</p>

		<p>ноябрь ойидан “ASIA ALLIANCE BANK” АТБ “Moody’s Investors Service” халқаро рейтинг агентлигининг рейтингига эга. Банкка қуйидаги рейтинглар берилган: Контрагентнинг узоқ муддатли хатарлар (CR Assessment) даражаси B1 (cr) / Not Prime (cr); Миллий ва хорижий валютадаги депозитларнинг узоқ муддатли рейтингги – B2/Not Prime.</p> <p>Банк барча рейтинглари “Барқарор” истикболга эга. 2016 йил 20 декабрда “Moody’s Investors Service” халқаро рейтинг агентлиги миллий ва хорижий валютадаги депозитларнинг узоқ муддатли рейтингни B3 дан B2 га кўтарди. Охириги рейтинг хулоса 2018 йил 10 декабрда узоқ муддатли рейтингни B2 даражада тасдиқлаш билан чиқди.</p>
4	<p align="center"><b>ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР ЧИҚАРИЛИШИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОРГА МУВОФИҚ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР ЧИҚАРИШ ВА ЖОЙЛАШТИРИШ ШАРТЛАРИ</b></p> <p>Чиқарилишдаги облигацияларни муомалага чиқариш шартлари</p>	<p>а) облигациялар чиқарилишининг серияси ва шакли: эгасининг номи ёзилган фоизли хужжатсиз шаклдаги корпоратив облигациялар;</p> <p>б) чиқарилишдаги облигацияларнинг сони: 50 000 (эллик минг) дона;</p> <p>в) чиқарилишдаги облигацияларнинг номинал қиймати, сўм: 1 000 000 (бир миллион) сўм;</p> <p>г) чиқарилишнинг умумий ҳажми (номинал қиймат бўйича), сўм: 50 000 000 000 (эллик миллиард) сўм;</p> <p>д) чиқарилишдаги облигациялар эгаларининг ҳуқуқлари: Чиқарилишнинг ҳар бир облигацияси унинг эгасига тенг ҳуқуқларни тақдим этади. Облигация эгаси облигациянинг номинал қийматини облигацияда назарда тутилган мудатда олиш, ҳамда ушбу чиқарилишнинг шартларида кўзда тутилган тартиб ва даврийликда облигациянинг номинал қийматидан қатъий белгиланган фоизни даромад сифатида олиш ҳуқуқига эга. Облигация эгаси Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонун ҳужжатлари ва</p>

облигация чиқарилиш шартларига мувофиқ облигацияларни эркин сотиш ва бошқа тартибда бериб юбориш ҳуқуқига эга. Облигация банк ёки унинг аффилиланган шахсларининг талаблари бўйича гаров таъминоти ҳисобланмайди. Ушбу чиқарилиш амалга ошмаган деб топилган тақдирда Банк облигация эгаларига облигациялар номинал қийматини ва фоизли даромадни ушбу облигациялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорида белгиланган тартибда тўлаб беришга мажбур. Банк қайта ташкил этилиши ҳолатида облигация эгаси Банк томонидан облигациялар бўйича мажбуриятларни муддатидан илгари бажарилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга. Банк тугатилиши ҳолатида облигация эгаси унга тегишли бўлган пул маблағларини Банк депозиторлари ва бошқа кредиторларининг мажбуриятлари қондирилганидан кейин ва қолган мулки акциядорлар орасида тақсимланишидан олдин олиш ҳуқуқига эга. Облигация эгаси Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонун ҳужжатларида кўзда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга.

е) Облигациялар муомаласининг тартиби ва муддатлари: Облигацияларни муомалага чиқариш облигациялар чиқарилиши қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин ва Ўзбекистон Республикаси Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсида ҳисобга қўйилганидан кейин амалга оширилади, облигациялар эмитентга хизмат кўрсатувчи ваколатли инвестиция воситачидаги ДЕПО ҳисобварағига ўтказилади. Ушбу чиқарилишдаги облигациялар муомала муддати – ушбу чиқарилишдаги облигациялар жойлаштиришнинг бошланиш санасидан бошлаб 2 557 (икки минг беш юз эллик етти) кун. Облигациялар муомаласи олди-сотди битимларни тузиш, ҳамда қимматли қоғозлар эгасининг алмашишига олиб келадиган Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа

ҳаракатлар орқали амалга оширилади. Облигациялар қимматли қоғозларнинг биржа ва биржадан ташқари бозорида муомалада бўлиши мумкин. Облигацияларга бўлган ҳуқуқлар облигацияларни олувчига унинг “депо” ҳисобварағига тегишли кирим ёзуви киритилган пайдан эътиборан ўтади ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бериладиган депо ҳисобварағидан кўчирма билан тасдиқланади. Облигация билан тасдиқланган ҳуқуқлар облигацияга бўлган ҳуқуқлар ўтиш пайдан эътиборан олувчига ўтади.

ж) Чиқарилишдаги облигациялар бўйича таъминот: Ушбу чиқарилишдаги облигациялар муомалага таъминотсиз чиқарилади.

з) Облигациялар жойлаштирилишининг усули, ёпиқ обуна бўлган тақдирда, шунингдек облигацияларни потенциал олувчилар доираси ҳам кўрсатилади: Ушбу чиқарилишдаги облигациялар очик обуна усулида чекланмаган шахслар орасида жойлаштирилади.

и) Облигациялар жойлаштирилишининг муддати ва тартиби: Ушбу чиқарилишдаги облигациялар жойлаштирилишининг муддати Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги томонидан рўйхатдан ўтказилган кундан бир йил ичида. Жойлаштиришнинг бошланиш санаси: облигацияларни чиқарилиши тўғрисидаги ахборот қонун ҳужжатларида белгиланган тартиб ва муддатда эълон қилинган кундан бошлаб 15-кун. Агар ушбу чиқарилишдаги облигациялар жойлаштиришнинг бошланиш санаси банк ҳисоб-китоб операциялари учун дам олиш кунига тўғри келса, жойлаштиришнинг бошланиш санаси ушбу кундан кейин келадиган биринчи иш кунига кўчирилади. Жойлаштиришнинг якунланиш санаси: ушбу чиқарилишдаги охириги облигация жойлаштирилишининг санаси, лекин Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги

томонидан рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб бир йилдан ортиқ эмас. Ушбу чиқарилишдаги облигациялар жойлаштирилиши уюшган биржа бозорида олди-сотди битимларни тузиш орқали белгиланган тартибда амалга оширилади. Ушбу чиқарилишдаги облигациялар жойлаштирилиши учун андеррайтер жалб қилиш кўзда тутилмаган.

к) Облигацияларни жойлаштиришнинг тахминий баҳоси. Ушбу чиқарилишдаги бир дона облигациянинг биринчи кундаги (ушбу эмиссия рисоласининг 28 (и) бандига мувофиқ аниқланадиган жойлаштиришнинг бошланиш санаси) ва оралиқ даврнинг биринчи кундаги жойлаштириш бошланғич баҳоси облигациянинг номинал қиймати – 1 000 000 (бир миллион) сўмга тенг, бошқа кунларда облигация жойлаштириш баҳоси унинг номинал қиймати ва берилган оралиқ даврда йиғилган фоизли даромади суммаси орқали аниқланади. Бир дона облигациянинг жойлаштириш баҳоси қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$P_T = \text{Nom} \times \left( 1 + \sum_{i=1}^3 R_i \times D_i \div 365 \right) - T$$

$P_T$  – бир дона облигациянинг олди-сотди битим тузиш кундаги жойлаштириш баҳоси, сўмда;  $\text{Nom}$  – бир дона облигациянинг номинал қиймати, сўмда;  $R_{i (i=1..3)}$  – йиллик фоизда кўрсатилган фоиз ставка миқдори.  $R_i$  = даромад ҳисобланадиган оралиқ даврнинг ҳар ойи бошида амал қилган Ўзбекистон Республикаси Марказий банки асосий ставкаси, + 4%;  $D_{i (i=1..3)}$  – облигация олди-сотди битими тузилган оралиқ даврнинг бошланиш санасидан олди-сотди битими тузилган санасигача бўлган оралиқ даврнинг ҳар ойидаги кунлар сони. Бунда биринчи оралиқ давр учун  $D_1$  ушбу чиқарилишдаги облигацияларни жойлаштириш бошланиш санасидан ой якунланишигача ҳисобланади;  $T$  – фоизли даромад суммасидан ҳисобланадиган облигацияларни жойлаштиришда унинг номинал қийматига

қўшиладиган солиқ қиймати, облигация жойлаштириш санасида тўлов манбаида даромад солиғини ушлаб қолиш бўйича солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нормалари амал қилган тақдирда қўлланилади. Бир дона облигациянинг жойлаштириш баҳоси бир тийингача бўлган аниқликда белгиланади. Оралиқ давр бир календар чоракка тенг бўлиб, у тугагандан кейин облигация эгасига фоизли даромад тўланади.

л) Облигацияларни тўлаш шартлари ва тартиби, шу жумладан ҳисоб-китоб шакли, облигациялар тўланишига келиб тушадиган пул воситалари кўчирилиши лозим бўлган ҳисобварақларнинг банк реквизитлари. Ушбу чиқарилишдаги облигацияларни тўлаш Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида нақдсиз кўринишда уюшган биржа бозорида биржа савдо қоидаларига мувофиқ тузилган олди-сотди битимлар асаосида амалга оширилади. Ушбу чиқарилишдаги облигацияларни пул бўлмаган воситалар билан тўлаш кўзда тутилмаган.

м) Облигация чиқарилиши тўғрисида қарор қабул қилган банк органи ва қарор қабул қилинган сана. Банк Кенгашининг 12 апрель 2019 йилдаги К-9-сонли Баённома қарори.

н) Облигацияларни чиқарилишига нисбатан банк уставидagi ҳар қандай чеклашлар, жойлаштириладиган облигациялар эҳтимолий олувчиларига нисбатан чеклашлар. Ушбу чиқарилишдаги облигацияларни олинишига нисбатан чеклашлар Банк уставидa кўзда тутилмаган. Облигациялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорга мувофиқ облигациялар очик обуна усулида чекланмаган шахслар орасида жойлаштирилади.

о) олинган облигациялар бўйича инвестор томонидан олинadиган даромад солиққа тортилиши. Облигациялар бўйича даромад солиққа тортилиши Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

п) Облигацияларни чиқаришдан мақсад. Банк

	томонидан облигациялар чиқарилиши узок муддатли ресурс базасини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш мақсадида амалга оширилмоқда.
Қимматли қоғозлар пул бўлмаган воситалар билан тўланган тақдирда Қимматли қоғозлар тўланиши мумкин бўлган мол-мулк рўйхати кўрсатилади.	Ушбу чиқарилишдаги облигацияларни пул бўлмаган воситалар билан тўлаш кўзда тутилмаган.
Чиқарилиш амалга ошмаган деб топиладиган чиқарилишдаги қимматли қоғозларнинг жойлаштирилмаган тақдирдаги улуши (бундай улуш чиқарилишдаги қимматли қоғозларнинг 60 фоизидан кам белгиланиши мумкин эмас)	Белгиланган муддатда қимматли қоғозларнинг умумий ҳажмнинг 30% кам ҳажмда жайлаштирилган тақдирда ушбу облигациялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилади.
Қимматли қоғозлар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда, эмитент томонидан қимматли қоғозлар учун олинган пул маблағларини қайтариш тартиби.	Ушбу облигациялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда Банк томонидан ушбу ҳолат тўғрисида амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмий билдиришнома эълон қилади, ҳамда ушбу чиқарилиш амалга ошмаган деб топилган кун ҳолатига Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсидан облигациялар эгалари рўйхатини сўраб олади. Ушбу чиқарилиш амалга ошмаган деб топилиши тўғрисидаги маълумот эълон қилинган пайтдан бошлаб Банк ушбу облигациялар чиқарилиши бўйича ушбу қарорда белгиланган даромад ҳисоблашини тўхтатади. Барча облигация эгалари маблағлар ўтказилиши зарур бўлган асосий ҳисобрақамларни кўрсатиб, маблағларни қайтариш тўғрисидаги ариза билан Банкка мурожаат қилишлари зарур. Банк ушбу чиқарилишдаги облигацияларнинг барча эгаларига сотиб олинган облигациялар номинал қийматини ва ҳисобланган фоизларни (чиқарилиш амалга ошмаган деб топилган оралиқ даврда ҳақиқий жойлаштириш муддати учун) ушбу облигациялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган санадан 10 (ўн) кун ичида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қайтариб бериш мажбуриятни ўз зиммасига олади олади.

<p>Қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олиш ва сақлаш тартиби, шу жумладан тўлиқ фирма номи, ҳамда тегишли фаолият юритиш учун лицензия тўғрисида маълумот.</p>	<p>Облигацияларни сақлаш, ҳамда облигациялар реестрини шакллантириш Ўзбекистон Республикаси Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси томонидан амалга оширилади. Тўлиқ фирма номи – “Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси” давлат корхонаси. Жойлашган жойи ва почта манзили: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, 100170, Мирзо-Улуғбек тумани, Мустақиллик проспекти, 107, 3-қават, телефон: 71-267-37-42, факс: 71-267-37-42. e-mail: info@deponet.uz, веб-сайт: www.deponet.uz.</p> <p>Ушбу чиқарилишдаги облигацияларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олишни амалга оширувчи инвестиция воситачиси тўғрисида маълумот: Тўлиқ фирма номи – “Silk Capital” акциядорлик жамияти чет эл корхонаси. Жойлашган жойи ва почта манзили: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Мирзо-Улуғбек тумани, Мустақиллик кўчаси, 59-А, телефон: 71-237-04-78, веб-сайт: www.silkcapital.uz.</p>
<p>Қимматли қоғозларга бўлган мулк ҳуқуқи ҳисобга олиш ва ўтиш тартиби тўғрисида асосий маълумотлар.</p>	<p>Қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олиш ва ўтиш қонун ҳужжатларда белгиланган тартибда амалга оширилади. Ушбу чиқарилишдаги облигацияларга бўлган мулк ҳуқуқи ўтиши олувчининг “депо” ҳисобварағига ушбу чиқарилишдаги облигациялар ўтказилганлиги тўғрисида тегишли кирим ёзуви киритилган пайтдан эътиборан юзага келади, олувчининг облигацияларга бўлган мулк ҳуқуқи унга Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бериладиган депо ҳисобварағидан кўчирма билан тасдиқланади. “ASIA ALLIANCE BANK” АТБ томонидан тасдиқланадиган ҳуқуқлар облигацияга бўлган мулк ҳуқуқлар ўтиш пайтидан эътиборан юзага келади.</p>
<p>Қимматли қоғозлар жойлаштирилишида иштирок этаётган ташкилотлар (андеррайтерлар) тўғрисида маълумотлар.</p>	<p>Ушбу чиқарилишдаги облигациялар жойлаштирилиши учун андеррайтер жалб қилиш кўзда тутилмаган.</p>

<p>Қимматли қоғозлар чиқарилиш тўғрисидаги қарор ва эмиссия рисоласи асл нусхалари ва нусхалари билан танишиб чиқиш тартиби ва жойи тўғрисида маълумот. Қимматли қоғозлар чиқарилиш шартлари эълон қилинадиган ахборот-маълумот тизимлари, босма нашрлар номи ва манзиллари.</p>	<p>Банк корпоратив облигациялар чиқарилиш тўғрисидаги қарор ва эмиссия рисоласи асл нусхалари ва нусхалари билан ариза асосида “ASIA ALLIANCE BANK” АТБ офисида танишиб чиқиш мумин. Манзил: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, 100047, Махтумқули кўчаси, 2а, телефон: 71-231-60-00, факс: 71-289-64-44. Қимматли қоғозлар чиқарилиш шартлари эълон қилинадиган ахборот-маълумот тизимлари, босма нашрлар номи ва манзиллари. Қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ошкор қилиниши керак бўлган облигация чиқарилиш тўғрисидаги маълумотлар Корпоратив ахборот ягона порталида (<a href="https://openinfo.uz">https://openinfo.uz</a>), Банк расмий веб-сайтида (<a href="http://www.aab.uz">www.aab.uz</a>) ва «Тошкент» РФБ АЖ сайтида (<a href="http://www.uzse.uz">www.uzse.uz</a>) эълон қилинади.</p>
<p>Қимматли қоғозлар асосий сотув жойлари.</p>	<p>Облигацияларни жойлаштириш “Тошкент” РФБ АЖ электрон савдо майдончалари орқали амалга оширилади.</p>
<p>Ушбу қимматли қоғозлар чиқарилишининг листингга киритилиши режалаштириладиган савдолар ташкилотчиси тўғрисидаги ахборот.</p>	<p>Ушбу облигациялар чиқарилишининг “Тошкент” РФБ АЖ (расмий веб-сайт <a href="http://www.uzse.uz">www.uzse.uz</a>) биржанинг котировкалар варағига киритилиши режалаштирилган.</p>